

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ**

**Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,
Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли
асарини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича
Махсус курснинг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

**(иқтисодий таълим йўналишлари ва
мутахассисликлари учун)**

Тошкент – 2009

Тузувчилар: Бекмуродов А.Ш. – и.ф.д., профессор
Шодмонов Ш.Ш. – и.ф.д., профессор
Ғафуров У.В. – и.ф.н., доцент

Такризчилар: Болтабоев М.Р. – и.ф.д., профессор
Беркинов Б.Б. – и.ф.д., профессор
Усмонов Б.Б. – и.ф.н., доцент

Ўқув дастури олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «__» _____даги __-сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодийларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодийига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар

таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон

бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Махсус курсни мазкур асар мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 12 соатлик (8 соат маъруза, 4 соат семинар машғулоти), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (6 соат маъруза, 2 соат семинар машғулоти) ҳажмда белгилаш тавсия этилади.

Ушбу махсус курсни кенг ўрганишга ёрдам берувчи электрон-визуал ва интерактив воситалар, жумладан, «Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек тилида) экспресс-проспекти, «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестлар ҳамда уларнинг электрон-визуал версияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу материаллар ҳамда уларнинг электрон версиялари махсус курс дастурига илова қилинади.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар (2 соат)

Жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излаш – бугунги куннинг энг долзарб муаммоси.

Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Унинг келиб чиқиш сабаблари. Етакчи таҳлил ва экспертлик марказларининг глобал молиявий инқироз борасидаги хулосалари. Молия-банк тизимидаги инқирознинг реал сектор ҳамда ижтимоий соҳаларга салбий таъсир кўрсатиши. Глобал молиявий инқирознинг жаҳон молия-банк тизимидаги жиддий нуқсонлар маҳсули эканлиги. Молиявий-иқтисодий инқирознинг алоҳида мамлакатлардаги миқёси, кўлами ва оқибатларини белгиловчи омиллар. Инқироз оқибатларини бартараф этишнинг дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлигига боғлиқлиги. Жаҳоннинг йирик давлатлари иштирокидаги Вашингтон саммити (2008 йил ноябрь) муҳокамаларидан келиб чиқувчи хулосалар.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация моделида молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари таъсирига қарши тамойилларнинг мужассам эканлиги. Ислохотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши. Давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши. Мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими ҳамда реал сектор корхона ва тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш учун етарли захиралар яратилганлиги. Банк фаолиятини такомиллаштириш борасида эришилган натижалар.

Ташқи қарз ва уни узиш муаммолари. Ўзбекистоннинг ташқи қарз борасидаги оқилона ва узоқни кўзловчи иқтисодий сиёсати. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий майдонида ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканлиги. Чет эл сармоясини жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги.

Ўзбекистон – халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми. Глобал молиявий инқироз оқибатларининг иқтисодиётимиз ривожланишига таъсири. Экспорт маҳсулотлари нархлари пасайиб кетишининг макроиқтисодий ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсири.

Жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги. Банк ва молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётимиз реал сектори корхоналари фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантириш кўзда тутилган чора-тадбирлар.

Маъруза машғулоти ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Маъруза машғулоти ҳозирда рўй бераётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни камраб олиш қўламлари ва оқибатлари тўғрисидаги қисқа муддатли хужжатли фильм намоёишидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг, жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, намоён бўлиш шакллари ҳамда келиб чиқиш сабаблари мультимедия воситалари орқали тақдимот кўринишида баён этилиши мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, мамлакатимиз молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритувчи таниқли мутахассис ва амалиётчиларни тақлиф этган ҳолда муаллифлик маърузаси, бинар маъруза, экспертлар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усуллари ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир (6 соат)

1-машғулот (2 соат)

Иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига жаҳон молиявий инқирозининг таъсири. 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда юқори ўсиш суръатларининг изчил таъминланганлиги.

Мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш борасидаги муҳим натижалар. Ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги ютуқларнинг иқтисодий ислохотлар натижаси эканлиги. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги. Инвестиция жараёнларини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг фаолияти. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида инвестиция дастурларининг амалга оширилиши.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг натижалари. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барқарор ривожланиши. Иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг ўрни. Касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганлиги. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтириш – қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналиши.

Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида қўлга киритилган натижалар. Ўзбекистон банк тизимининг жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан

ижобий баҳоланиши. Ташқи қарз бўйича халқаро меъёрлардаги «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат»нинг таъминланиши.

2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор вазифаларини белгилаб олишнинг аҳамияти ва хусусиятлари. Иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши сифатида. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели тамойиллари молиявий ва иқтисодий инқирознинг салбий таъсиридан ҳимоялашнинг асоси эканлиги.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни, таркибий тузилиши ва унга киритилган асосий тадбирлар.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурларини амалга оширишда рағбатлантириш тизимининг ишлаб чиқилиши.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг «Ақлий ҳужум», блиц-сўров, Инсерт техникаси усуллари кўллаган ҳолда 2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги билимларни фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг, визуал-маъруза усули воситасида 2008 йилда эришилган асосий натижалар баён этилади. Молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, унинг олдини олиш борасида қўлланилаётган чора-тадбирлар, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури тўғрисидаги маълумотларни мультимедия ёрдамида визуал-такдимот кўринишида баён этиш мумкин. Талабаларнинг таълим йўналиши, босқичи ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда муайян ҳолатларни батафсил таҳлил қилишга асосланган маъруза усулидан фойдаланиш ҳам машғулот самарасини оширади.

2-машғулот (2 соат)

Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастурнинг ишлаб чиқилиши. Лойиҳаларни амалга ошириш борасида мамлакатимизда мавжуд бўлган салоҳият ва имкониятлар. Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни молиялаштириш манбалари. Лойиҳаларни амалга ошириш орқали кўзда тутилаётган натижалар. Бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш – иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиши.

Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти эканлиги.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан энг муҳим устувор вазифа сифатида. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйиш.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган йўналишлари: дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш; қишлоқларда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил етиш чора-тадбирларини амалга ошириш; 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимини изчил амалга ошириш.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда устун равишда визуал-маъруза усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда олдиндан тайёрланган тақдимот материалларини мультимедия воситалари орқали намойиш этиш мақсадга мувофиқдир. Маърузада мамлакатимиз қишлоқ ҳаёти, унинг мустақиллик йилларида юксалиб бориши, қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг яхшиланиб боришига оид кинолавҳалар, қисқа муддатли ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Талабаларга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг тарқатма материал сифатида тақдим этилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида Инсерт жадвали илова қилинган тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш мумкин. Агар, зарур ҳолларда тегишли мутахассис ва амалиётчилар иштирокида бинар маъруза, экспертлар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларида фойдаланилса, машғулот самараси янада ортади.

3-машғулот (2 соат)

Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – 2009 йилдаги устувор вазифа. Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги. Кредит бериш, солиққа тортиш бўйича имтиёзларнинг кучайтирилиши, хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонининг камайтирилиши. Кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш ишларини чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга эканлиги. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш энг муҳим устувор вазифа сифатида. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш зарурлигининг асосий сабаблари. «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги махсус дастурнинг қабул қилиниши. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга оширилишининг мамлакат минтақалари ўртасида ишончли транспорт алоқасини таъминлашдаги ўрни.

Ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, шунинг ҳисобидан қўшимча иш ўринларини яратиш. Ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш, турар-жой фондини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, уни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш – қўшимча равишда иш ўринларини яратиш, аҳоли уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш омили эканлиги.

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари – 2009 йилдаги устувор вазифа. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш. Банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш ишларини охирига етказиш.

Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, мамлакатдаги бўш пул маблағларини банк секторига жалб қилишни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялашни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизматларини мустаҳкамлаш.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Маърузани экспертлар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан юқори самара беради. Экспертлар сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мутахассислар, банк-молия тизими ходимлари, юқори малакали педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг махсус тайёргарлик асосидаги чиқишлари, фикр-мулоҳазалари тингланади. Маъруза машғулотининг самарадорлигини ошириш учун якунида «Харакатларни йўналтириш» усули ёрдамида турли давлат идоралари, ҳокимликлар ва

банк муассасалари вазифаларнинг ўзаро уйғунлашган тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-машғулот (1-қисм). Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар (1 соат)

Режа:

1. Жаҳон молиявий инқирозининг мазмуни, намоён бўлиш шакллари ва келиб чиқиш сабаблари.
2. Молиявий-иқтисодий инқирознинг алоҳида мамлакатлардаги миқёси, қўлами ва оқибатларини белгиловчи омиллар.
3. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация моделида молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари таъсирига қарши таъминотларнинг мужассам эканлиги.
4. Глобал молиявий инқироз оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига таъсири.
5. Жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги.

1-машғулот (2-қисм). 2008 йилда иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатларининг изчил таъминланиши ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши (1 соат)

Режа:

1. 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган асосий натижалар ҳамда изчил ривожланишнинг муҳим омиллари.
2. Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш борасида эришилган ютуқлар.
3. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг натижалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барқарор ривожланиши.
4. Банк-молия тизими фаолиятини мустахкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида қўлга киритилган натижалар.
5. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни, аҳамияти ва унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар.

2-машғулот (1-қисм). Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилаш – устувор вазифа (1 соат)

Режа:

1. Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг мазмуни ва асосий йўналишлари.

2. Муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастурнинг моҳияти ва вазифалари.

3. Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар.

4. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари.

5. Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришнинг аҳамияти ва вазифалари.

2-машғулот (2-қисм). Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳаларини ривожлантириш, банк тизимини қўллаб-қувватлаш – иқтисодий тараққиёт янги марраларига чиқишнинг муҳим омили (1 соат)

Режа:

1. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар.

2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш зарурлиги, бу борадаги дастурнинг моҳияти ва асосий вазифалари.

3. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асоси.

4. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш.

5. Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликдаги ўқитиш усулларида кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни таъминлаш омиллари ҳамда олдинги йиллар билан таққослаш ҳолатларини гуруҳларга ажраган ҳолда, тақдирот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда Инсерт, график органайзерлар техникаси, «Т-схема», категориялар жадвали, «Б/БХ/БО» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда «Балиқ склети», «Ҳаракатларни йўналтириш», «Нима учун?» каби усуллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъруза, мультимедия воситалари, графопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши жараёнларини олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

«Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек

тилида) экспресс-проспектидан, «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари тўғрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестларидан, жумладан, уларнинг электрон-визуал версияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль.

5. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида фармони // Халқ сўзи, 2008 йил 4 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Навоий ва Тошкент вилоятлари кенгашларининг сессияларида сўзлаган нутқлари // Халқ сўзи, 2008 йил 13 ва 18 декабрь.

8. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

9. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 6 декабрь.

10. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

11. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

12. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро Валюта Жамғармасининг қўшма баёноти // Халқ сўзи, 2008 йил 25 декабрь.

14. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

15. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

16. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б. (электрон версияси билан).

17. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б. (электрон версияси билан).

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.